

INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND SOCIAL SCIENCES

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 1, Issue 4 2021

**TEMIROV FARRUX
UMEDOVICH**



temirov78@mail.ru

BUKHARA STATE
UNIVERSITY
DOCTOR OF PHILOSOPHY IN
HISTORY (PHD)

THE PRESS ACTIVITY OF SADRIDDIN AYNI

ПУБЛИЦИСТИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ САДРИДДИНА АЙНИ

САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ МАТБУОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ

Abstract: This article gives information about the scientific and creative path of the enlightened writer and public figure Sadriddin Aini as well as his effective works on the development of the press in Turkestan, in the expansion of scientific publications, in the creation of textbooks and manuals for new schools. Also, this article mentions Jadid schools in Bukhara. The problems of the organs have been scientifically analyzed in the given article as well

Keywords: Enlightenment, Jadid, Press, Guide. Textbook, "Mirror", Revolution, "Voice of Workers", "Zarafshan", "Hürriyet" Revolutionary Light, writer, orientalist, poet, publicist, journalist, skilled pedagogue, literary critic.

Аннотация: В статье описывается научный и творческий путь писателя-просветителя и общественного деятеля Садриддина Айни, его эффективная работа по развитию публицистики в Туркестане, увеличению количества научных издательств, созданию учебников и пособий для новых и джадидских школ в Бухаре, в том числе научно проанализированы информации о ранних органах прессы.

Ключевые слова: Просветитель, джадид, пресс, учебное пособие, учебник, Ойина, революция, Мехнаткашлар товуши, Зарафшан, Хуррият, Инқилоб шуъласи, писатель, учёный-востоковед, поэт, публицист, журналист, искусственный педагог, литература.

Аннотация: Ушбу мақолада маърифатпарвар адаб ва жамоат арбоби Садриддин Айнийнинг илмий-ижодий йўли, Туркистанда матбуотчиликни ривожлантириш, илмий нашриётларни кўпайтириш, янги мактаблар учун ўқув қўлланма ва дарсликлар яратиш йўлида олиб борган самарали фаолияти тўғрисида, шунингдек олимнинг асарлари ва мақолалаларида Бухородаги жадид мактаблари ҳамда дастлабки матбуот органлари ҳақидаги муаммолар илмий жиҳатдан таҳлил килинган.

Калит сўзлар: Маърифатпарвар, жадид, матбуот, қўлланма, дарслик, Ойина, Инқилоб, Мехнаткашлар товуши, Зарафшон, Хуррият, Инқилоб шуъласи, ёзувчи, шарқшунос олим, шоир, публицист, журналист, моҳир педагог, адабиётшунос.

INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND SOCIAL SCIENCES

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 1, Issue 4 2021

КИРИШ (INTRODUCTION)

Жаҳон миқёсида глобаллашув асри бўлмиш XXI асрга келиб замонавий адабиётга талайгина янгиликлар киритилмоқда. Бу янгиликлар бир томондан табиий ривожланиб, миллий адабиёт тараққиётининг ҳиссаси бўлса, иккинчи томондан Европа ва жаҳон таъсиридаги ўзгаришлардир. Шунинг баробарида жамиятнинг ахборотлашувида адабиёт ва тарих муҳим роль ўйнамоқда. Дунёнинг илмий тадқиқот марказларида туркистонлик мутафаккир алломаларнинг илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси, XIX асрнинг охири – XX аср бошларида мусулмон мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаёти, жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ҳамда жадид намояндаларининг бу ҳаракатда тутган ўрни ва матбуотчилик фаолияти ўрганилмоқда. Ўз ижоди билан мактаб яратган Садриддин Айнийнинг илмий мероси, жадидчилик фаолияти ҳам дунё илмий жамоатчилиги томонидан муносиб эътироф этилган.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ (LITERATURE REVIEW)

Садриддин Айнийнинг Бухородаги жадидчилик ҳаракатида туган ўрни, ва матбуотчилик фаолияти долзарб бўлиб келганлиги учун қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Мавзуга доир адабиётларни қўйидаги гурухларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Бухоро амирлиги даврида ёзилган асарлар.
2. Совет даврида яратилган илмий тадқиқотлар.
3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нашр этилган тадқиқотлар.
4. Хорижда яратилган тадқиқотлар.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ (RESEARCH METHODOLOGY)

Тадқиқот иши тарихийлик тамойили, хронологик ва қиёсий таҳлил усулларига таянади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР (ANALYSIS AND RESULTS)

Забардаст олим ва адаб Садриддин Айний (1878–1954) Ўзбекистон маданияти ва маънавияти хазинасига муносиб ҳисса қўшган машҳур маърифатпарвар адаб, тарихнавис ёзувчи, шарқшунос олим, шоир, публицист, журналист, моҳир педагог, билимдон адабиётшунос ва фидокор жамоат арбобидир. Айний ўзининг мингга яқин катта-кичик асарларини тожик ва ўзбек тилларида ёзди. Унинг бадиий ижодий йўналишида публицистика, ҳажвия, фельетон, памфлет, шеърият, адабиётшунослик, романнавислик ва бошқа кўплаб жанрлар асосий ўринни эгаллайди.

Айнийнинг илмий-ижодий фаолиятида унинг йирик тарихий-адабий тадқиқоти ҳисобланадиган “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” [1] ва машҳур илмий-адабий антологияси бўлган “Намунаи адабиёти тожик” [2] (“Тожик адабиёти намуналари”) асари алоҳида ўрин эгаллайди. XX аср бошларида Бухорода вужудга келган, ўз сафида етук, илғор ва талантли тараққийпарварларни бирлаштирган Ёш бухороликлар ҳаракати тарихида, Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаларидан, янги усул мактаблари очилишининг биринчи ташаббускорларидан бўлган маърифатпарвар адабнинг босиб ўтган мاشақкатли ҳаёт йўли ва ўрни каттадир.

Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

**INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND
SOCIAL SCIENCES**

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 1, Issue 4 2021

Ўз даврида замондошлари ва сафдошлари Айнийнинг Ёш бухороликлар харакатида фаол иштироки, унинг Туркистондаги матбуотчиликни ривожлантириш, ўлкадаги мактабларни турли дарслик-ўкув кулланмалар билан таъминлаш, маориф ва маданият соҳасидаги ишларига муносиб баҳо бериб ўтган.

1917 йил Бухородаги апрель воқеаларидан кейин унинг ижодида янги давр бошланди. Адиб Бухородан бутунлай Самарқандга кўчиб келади. Бу ерда олим Туркистон жадидларининг отаси сифатида ном қозонган Маҳмудхўжа Беҳбудий, шунингдек, Сайдизо Ализода, Сиддиқий Ажзий, Саидаҳмад Васлий, Абдуқодир Шакурий каби ўз даврининг таникли маърифатпарлари ва зиёлилари билан яқиндан танишиб, уларнинг ҳаммаслаги бўлади.

Айний 1918–1920 йилларда Самарқандда таълим соҳасида фаолият олиб борар экан, у инқилобни мадҳ этувчи ва эски тузумни ўткир танқид остига оловчи бадиий ва тарихий публицистик мақолалар ва шеърлар ёзишга зўр беради. Уларнинг аксарияти Самарқандда чиқадиган, бу даврининг кўзга кўринган маҳаллий газеталари бўлган “Меҳнаткашлар товуши”, “Зарафшон”, “Хуррият” ва “Шўълаи инқилоб” (“Инқилоб шуласи”), “Болалар йўлдоши”, “Таёқ” каби газета ва журналларида чоп этилади.

“Бу ҳақда Айнийнинг ўзи шундай ёзади: “Самарқандда тожик тилида “Шўълаи инқилоб” журнали ва “Меҳнаткашлар товуши” номидаги ўзбек тилида газета нашр бўларди. Мен буларнинг иккаласига ҳам хизмат қиласардим. Ўша вақтларда маҳаллий кадрлар етишмас, озчиликни ташкил қиласар эди, шунинг учун ҳам мен бу журнал ва газетанинг кўп қисмини турли имзолар билан мақолалар ёзиб тўлдирад эдим. Икки тилда шеър ёзардим, икки тилда мақолалар ёзардим” [3; 91].

Маълумки, Ўзбек миллий матбуотида журналчиликка асос солган инсон Маҳмудхўжа Беҳбудийдир. Беҳбудий асос солган “Ойина”нинг илк сони 1913 йил 20 августда Самарқандда чоп этилди. Унда Абдурауф Фитрат, Сиддиқий, Ҳожи Муин, Акобир Шомансур, Муҳаммад Саъид, Сайдизо Ализода, Саидаҳмад Васлий, Тавалю, Садриддин Айний, Ҳаким Бухорий, Ниёзий Ражабзодалар қатнашган. “Ойина” журнали Туркистон матбуоти тарихига юрт озодлиги ва ободлиги учун курашган нашр сифатида кирди” [4; 11].

“Ойина” – журнали 1913 йил 2 августидан, 1915 йилнинг октябрига қадар чиқиб, 68 сони чиқди. Бу мажмуа турки (ўзбек) ва форсий (тожик) тилида Маҳмудхўжа Беҳбудий Самарқандий масъуллигига Самарқандда нашр бўларди” [5; 325]. Беҳбудийнинг ташаббуси ва раҳбарлигига чиқкан “Ойина” журналида Айний турли мавзудаги мақола ва шеърлари билан қатнашиб туради [6]. Беҳбудий 1913 йили асос солган “Ойина” журнали Абдулла Авлоний ёзганидек: “Бу журнал “Ойина” чиққунча чиққон журналларнинг энг биринчи ва энг яхшиси эди” [7; 23].

Ўзбек миллий зиёлиларидан Ҳожи Муин Шукрулло (1883–1942) ўз даврида Айнийнинг Самарқандда миллий матбуотчиликни ривожлантириш йўлида кўрсатган хизматларини алоҳида қайд этиб шундай ёзади: “Меҳнаткашлар товуши”[8] газетасида: “1918 йилда (11 июнда) шўро ҳукумати томонидан “Меҳнаткашлар ўқи” отлиқ газета чиқарилди. Бунинг масъул мухаррирлигига Ҳожи Муин, таҳrir ҳайъатига Иффат хоним (Зоҳида Бурнашева) билан марҳум Шокир Муҳторий тайин этилдилар. Бу газетанинг 5-нчи сонида оти ўзгартирилиб “Меҳнаткашлар товуши” қўйилди. Газета 500-2000 нусха орасида босилиб тарқалар эди. Бу газетанинг таржима ва таҳrir ишларида бир муддат Сайдизо Ализода, Муҳаммаджон Юсуфий, қори Муҳаммадраҳим Тоғи, Садриддин Айний афандилар хидмат этдилар. Буларнинг ичida биринчи даражада узун муддат ишлаган киши шубҳасиз Айний афанди эди” [9; 122].

Ҳожи Муин яна шундай ёзади: “Ва газетанинг масъул мухаррирлиги сўнгги йилларда турли кишилар қўлиға ўтса ҳам, лекин ул-маънавий жиҳатдан юксала олмади. Охири, 22-нчи

Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND SOCIAL SCIENCES

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 1, Issue 4 2021

йил ўрталарида 304-нчи сонида тўхталди. Туркистонда шўро ҳукумати томонидан бошлаб чиқарилғон ва узун муддат яшағон газета шудир” [10; 122-123].

Шунингдек, Айний Самарқандда чиқадиган “Зарафшон” ва “Хуррият” газетасининг таржима ва таҳрир ишларида ҳам ишлайди ва турли мавзудаги публицистик мақолалари[11] билан қатнашиб туради.

“Шуълаи инқилоб” хафталик мажмуа (журнал) 1919 йил 10 апрелдан бошлаб, 1921 йилнинг декабрь ойига қадар давом этди. Ушбу мажмуанинг масъул муҳаррири Сайдризо Ализода бўлиб, Самарқанд вилоят иштирокион Қўмитаси нашр эттирас эди. Жами 91 сони бўлиб, ҳар бири 8 сахифадан иборат” [12; 337].

Бу ҳақда Айнийнинг ўзи шундай ёзади: “Шуълаи инқилоб” [13; 215] (“Инқилоб шуъласи”) журналида 23 – сонидан (1919 йил, 7 декабрь) менинг мақолаларим бошланади. Олдин “Син Мим” (отамнинг номи “Сайдмурод” эди, “Сайдмуродзода” унвонидан икки ҳарфи олинган эди) ва гоҳида “Қоф-Син” имзосида, гоҳида “Син-ҳо”, “Син”, “ҳо”, “Син-қоф”, “Сод-Айн” ва “Сод-Айн” имзосида ҳам то журналнинг тўхтаганингча – 91 сонигача (1921 йил, 8 декабрь) тўлиқ икки йил давом этди. “Қоф-Алиф” имзосида ҳам менинг баъзи мақолаларим чоп бўлган эди. Айний...” [14; 449]. С.Айнийнинг қизи, адабиётшунос олима Холида Айнийнинг ёзишича, 1919 йил 13 июлдан бошлаб икки йилу беш ой ичиди “Шуълаи инқилоб” журналида Айнийнинг 67 та мақоласи эълон қилинган [15; 162].

“1919 йилда Самарқандда тоторлар мактабининг мудир ва муалими ўртоқ Хабир Абдуллаевнинг ташаббуси билан маориф идораси томонидан “Болалар йўлдоши” [16; 3] исмида болаларға махсус бир журнал (тошбосмада) чиқарилиб, 3-нчи сонида тўқталди. Бу мажмуанинг муҳаррири Хабир, масъул мудири Абдурашид Абдужаббор ўғли эдилар. Бунинг таҳрир ҳайъатида Айний афанди ҳам бор эди. Самарқандда биринчи маротаба болаларға таъсис этилиб, чиқарилғон мажмуа шу эди” [17; 123].

“Қутулиш” газетаси Бухоро иштирокион фирмаси маркази томонидан Бухоро инқилобидан олдин Тошкандда нашр бўлган эди. Қутулиш (1920) 28 июндан 1920 йилнинг 13-августига қадар 11 та сони чиқиб, Бухоро инқилоби учун яхшигина хизмат этди. “Қутулиш” газетаси ўзбек тилида нашр бўлар эди. Бунда асосан ўзбек тилидаги инқилобий шеърлар, мақолалар билан бирга баъзан форсий (тожик) тилида ҳам инқилобчилар унда қатнашар эдилар” [18; 336] – деб ёзади адаби. Шунингдек, муаллиф китобида “Қутулиш” газетасида Ёш бухороликларнинг фаол аъзоларидан бўлган Аҳмаджон-маҳдум Ҳамдий Абусаидзода Бухорийнинг “Мазлум” тахаллусида “Бухоро фуқароларига хитоб”, Мирзо Абдулвоҳид Бурхонзода Бухорий (Мунзим)нинг “Қачонгача”, Абдурауф Фитрат ва Мирзо Муҳсин Аккоси Бухорийлар томонидан эълон қилинган инқилобий шеърларидан мисоллар келтириб ўтади [19; 337].

“Инқилоб” – Туркистон коммунистик фирмасининг марказий комитети томонидан ойда икки марта чиқадиган сиёсий-иқтисодий ва адабий ўзбекча журнал бўлиб, 1922 – 1924 йиллар мобайнида Тошкентда нашр этилган [20; 31]. Журналга ўша вақтда “Инқилоб” номи ҳам тасодифан берилган эмас, ҳақиқий инқилоб, яъни тўнтариш маъносида англаш зарур [21]. Журнал ишини йўлга қўйиш, шунингдек, таҳририят ишига тажрибали матбаачи ва журналистлар, ёш қаламкашлар жалб этилади. Нашр атрофига аста-секин Ўрта Осиёда яшовчи ҳалқларнинг кўзга кўринган зиёлилари тўплана боради ва таҳририят ишини фаол қатнаша бошлайдилар [22]. “Бухородан Садриддин Айний, шоир Фитрат ва бошқалар эндиғина ташкил этилган журнал редакцияси келиб туришарди, - деб эслайди “Инқилоб”нинг дастлаб сонларини чиқаришда иштирок этган татар журналисти Шариф Бойчура [23].

Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

**INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND
SOCIAL SCIENCES**

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 1, Issue 4 2021

“Инқилоб” таҳририяти ўзбек зиёлиларининг энг яхши намояндаларини ҳамкорликка жалб қилган эди. Булар орасида ўзбек адабиёти ва матбаачилиги тараққиётига баракали ҳисса қўшган А.Қодирий, С.Айний, А.Авлоний каби бадиий сўз усталари бор “Инқилоб”нинг 1922 йилги 3-4 сонларида Садриддин Айний “Бухоро жаллодларининг ўзаро мусоҳабалари” номли мақоласини эълон қиласди Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидан парчалар илк бор шу журналнинг 9-10, 13-14-сонларида чоп этилади [24]. Мазкур асарларнинг босилиши ўзбек адабиёти ва матбуотида миллий адабиётининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Машхур маърифатпарвар адаб ва олим Садриддин Айний ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимиздан қўйидаги **хulosalarга** келиш мумкин:

Садриддин Айний XX асрнинг машҳур ва такрорланмас ёзувчи ва адиларидан биридир. Унинг ҳаёт ва ижод йўли XIX охирги чораги ва XX асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ва адабий жараёнларнинг ғоятда мураккаб ва қийин даврларида кечди. Йигирма йилга яқин мадраса таълимини олган, амирлик тузумини ҳамда кейинги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ич-ичидан билган, баъзан қатоғонликлар ва камситишларга учраган бу улкан адаб ўз асарларида халқ ҳаётини бутун мураккабликлари билан бадиий тасвирлаш орқали тарих ва даврни ўзига хос равища бирлаштириб, XX асрнинг аввалида шакллана бошлаган янги адабиётнинг асосчиларидан бири, йирик адабий ва тарихий сиймо сифатида бўй кўрсата олди. Чиқарилган хulosalar ва аниқланган муаммолар юзасидан қўйидаги *таклиф ва тавсияларни* илгари суришга асос бўлди:

- XX асрнинг 20-30 йилларида Туркистон АССР, БХСР, Ўзбекистон ССР, Тожикистон АССРда нашр этилган “Меҳнаткашлар товуши”, “Зарафшон”, “Овози тожик”, “Шуълаи инқилоб”, “Бухоро ахбори”, “Маориф ва ўқитувчи”, “Шарқи сурх” ва бошқа бир қанча газета ва журналларда Садриддин Айнийнинг жиддий муаммо ва масалаларга бағишлиланган илмий-адабий ва тарихий йўналишдаги салмоқли мақолалари мавжуд. Бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаган бу каби мақолаларини амалдаги имлога ўгириб, изоҳ ва тузатишлар билан алоҳида китоб ҳолатида чоп этиш истиқболдан биридир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ
(REFERENCES) CONCLUSION/RECOMMENDATIONS)**

- [1]. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари марказий нашриёти, 1926.
- [2]. Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Москва: Чопхонаи нашриёти марказии халқии Жамоҳири шўравии Сўсиёлистӣ, 1926.
- [3]. Айний С. Мухтасар таржимаи ҳоли худам. / Куллиёт. 16 жилд. Жилди – 1. – Сталинобод: Нашрдавтоҷ 1958. – Б. 91.
- [4]. Абдуазизова Н. Ўзбек журналистикаси тарихи. Т: Академия, 2002. – Б. 11.
- [5]. Айний С. Намунаи адабиёти тожик. / Куллиёт. Жилди 16. – Душанбе: 2010. С. 325.
- [6]. Айний С. Нидо ба жавонон Ёшларга мурожаат) // Ойна. 1913, № 3; Унинг ўзи: Ҳар бир миллат ўз тили или фахр этар. 1913, № 3; Унинг ўзи: Мозий ва ҳол; 1913, № 3. – Б. 79; Унинг

**INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND
SOCIAL SCIENCES**

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 1, Issue 4 2021

ўзи: Ҳасрат. 1913, № 5; Унинг ўзи: На ўлди ё раб. 1913. № 7; Унинг ўзи: Марсия ба Мирзо Сирожиддин Ҳакими Бухорой. 1914, № 14. – Б. 241.

[7]. Абдуазизова Н. Ўзбек журналистикаси тарихи. Т: Академия, 2002. – Б. 23.

[8]. Айний С. Мусулмон мактаблари ва программа. // Мехнаткашлар товуши. 1919 йил, 24 декабрь; Тошкент хотиралари. 1919 йил, 14-20 сентябрь; Зиёи илм. 1919 йил, № 127, 28 декабрь; Самарқанд хабарлари. 1919 йил, 1-2 октябрь; Ахмад Маҳдум. 1920, 10 ноябрь; Мусибати Маҳмудхўжа Беҳбудий ва рафиқонаш. 1920 йил, № 35, 5 апрель. Маҳмудхўжа ҳазратларининг қисқача таржимаи ҳоли. 1920 йил, 8 апрель. Имзо: “Бухородан бир киши”. Бухородаги инқилобий ҳаракатининг қисқача тарихи. 1920, 18 ноябрь. Мухаррирлар диққтина. 1920 йил, 9 июль; Бир эшоннинг оқибати. 1921, 6 январь; Ёш болалар келаси дунёниг катта кимсалари дурлар.

[9]. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н.Намозова). Т: Маънавият, 2005. – Б. 122.

[10]. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н.Намозова). Т: Маънавият, 2005. – Б. 122-123.

[11]. Айний С. Хориждаги талабаларимиз қандай аҳволда. // Зарафшон. 1923, 6 декабрь; Зарафшон газетаси бир яшар бўлди. // Зарафшон. 1923 йил, 28 октябрь; Айрилиш. // Зарафшон. 1925 йил, 3 апрель. Севиш. // Зарафшон. 1925 йил, 27 марта; “С. М”. Таскир. // Ҳуррият. 1917 йил, № 1. – Б. 2.

[12]. Айний С. Намунаи адабиёти тожик. / Куллиёт. Жилди 16. – Душанбе: 2010. С. 337.

[13]. Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Москва: Чопхонаи нашриёти марказии ҳалқии Жамоҳири шўравии Сўсиёлистӣ, 1926.

[14]. Айний С. Акнун навбати қалам аст. (Осори баргузида дар ду жил). – Душанбе: Ирфон, 1977. – Б. 449.

[15]. Холида Айни. Жизнь Садриддин Айни. (краткий хронологический очерк). – Душанбе: 1982. – С. 63.

[16]. Айний С. Амир Темур бинолариндан. Бибихоним харобаси ила мусоҳаба. // Болалар йўлдоши. 1919, № 2-3, 23 май. – Б. 3.

[17]. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н.Намозова). Т: Маънавият, 2005. – Б. 124

[18]. Айний С. Намунаи адабиёти тожик. / Куллиёт. Жилди 16. – Душанбе: 2010. С. 337.

[19]. Айний С. Намунаи адабиёти тожик. / Куллиёт. Жилди 16. – Душанбе: 2010. С. 337.

[20]. Абдуазизова Н. Ўзбек журналистикаси тарихи. Т: Академия, 2002. – Б. 31.

[21]. Айний С. Бухоро жаллодларининг сұхбатлари. // Инқилоб. 1922, № 3

[22]. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА // Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.

[23]. Темиров Ф. Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

[24]. 12. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИКДА ОИЛА, НИКОХ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2.